



Ўзбекистон adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 10-dekabr • № 50 (4085)

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

УЛУҒ ҚАРВОН МАНЗИЛЛАРИ

Истиқлолимиз қарвони ўзининг йигирманчи довоғига тобора яқинлашмоқда. Одатда улуг қарвон қўзлаган манзиллар қўркам, олис ва мухташам бўлиб кўринади. Бирок ана шу сермашаққат довоғлардан туриб босиб ўтилган манзилларга боқсангиз, инсон азму шижоати, мардлиги ва матонати билан қад ростлаган бунёдкорлик манзаралари бутун жозибаси билан намойиш бўлади. Улар кўнглингизга гурур ва ифтихор, янги манзилларни ошиб ўтишга куч-қувват бағишлайди.

Муносабат

Юртбошимиз Ислам Каримов мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида босиб ўтган тараққиёт йўлимизга таъриф бериб, "Биз эришган улкан марраларнинг энг муҳими — эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганидир".

Юртбошимиз Ислам Каримов мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида босиб ўтган тараққиёт йўлимизга таъриф бериб, "Биз эришган улкан марраларнинг энг муҳими — эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганидир".



10 декабр — Ўзбекистон Республикаси
Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

Шеърлий лаҳза

МАДҲИЯНИ КУЙЛАЙМИЗ

Муסיқа янграйди тантанавор, авж,
Мадҳия куйлаймиз баралла, мағрур.
Қудратли тўлқинга айланади мавж —
Томирда жўшади жасорат, гурур.

Буюк давлатимиз мадҳиясини
Халқимиз даҳоси айлаган бунёд.
Ўйлаймиз авлодлар тарбиясини,
Ёшларда Ватанга иқроор, қасамёд.

Дилдан ҳис этамиз мадҳия кучин,
Мардона боқамиз миллий байроққа.
Ўзбекистон учун, овоз юрт учун
Бутун Ўзбекистон қалқар оёққа!

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ДУНЁСИ

Бадий академия кўргазмалар залида бўлиб ўтган "Тошкент қувончлари" III-халқаро болалар расмлари биенналесиде беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган иштирокчиларнинг икки мингдан ортиқ суратлари намойиш этилди. Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад ёш иқтидор эгаларининг ижодини қўллаб-қувватлашдан иборат. Боғча ва мактаб ёшидаги болаларнинг қизиқларини рағбатлантириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

"Мехр нури" жамғармалари, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва бошқа кўплаб вазирлик ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирнинг сўнгги босқичи 3-декабр кuni

га улкан зафарлар тилаб, уларни излашни ва ҳаракатда бўлишга чакирди. Биеннале голиблари учун битта Гран-при, еттидан олтин, кумуш, бронза медаллари ҳамда эсдалик совғалари таъсис этилган эди.

дан "Ҳеч ким меҳримиздан четни излашни ва ҳаракатда бўлишга чакирди. Биеннале голиблари учун битта Гран-при, еттидан олтин, кумуш, бронза медаллари ҳамда эсдалик совғалари таъсис этилган эди.

Кўргазма залларида

катта шодиёналар билан яқунланди. Шу кун голиблар ва соҳибдорлар муносиб тақдирланди. Тадбир давомида "Булбулча" болалар ансамбли ва "Истеъдод" гуруҳи дугорчи қизлари меҳмонларга яхши кайфият улашди.

Хайъат хулосасига кўра, япониялик тўққиз ёшли Хирами Араи "Ўзбекистонга парвоз" сурати билан Гран-прига сазовор бўлди. Унга ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди. Олтин медаллар Туркменистон, Украина, Хитой, Ўзбекистон, Индонезия, Миср ҳамда Чехия давлатлари болаларига насиб этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳомий ташкилотлар томонидан "Ҳеч ким меҳримиздан четни излашни ва ҳаракатда бўлишга чакирди. Биеннале голиблари учун битта Гран-при, еттидан олтин, кумуш, бронза медаллари ҳамда эсдалик совғалари таъсис этилган эди.

Шоҳиста ОРТИҚОВА

СУРХОН СУҲБАТЛАРИ

Сурхон воҳасида бўлиб ўтган адабиёт кунлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланди. Жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шoirи Абдулла Орипов бошчилигида пойтахтимиздан ташриф буорган бир гуруҳ ижодкорлар

Маннон Уйғур номидаги вилоят театрига тўпландилар. Адабиёт ва санъат намояндлари тадбир иштирокчиларини Конституция байрами билан табриклаб, бош қомусимизда ифода этилган ҳуқуқ ва бурчларимиз, истиқлолимиз самаралари, адабиётимизга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳақида сўзлашди. Ватан ва мустақиллик мавзусидаги шеърлар ўқилди. Ижод аҳлининг дил ихорларига санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар

улаиб кетди. Сурхон замини миллий санъатимиз ва адабиётимизнинг истеъдодли вакиллари тарбиялаб воёга етказган маскан, овоз ва обод дийримишнинг гўзал ва серкўёш гўшасидир. Бешикда-ноқ "Алпомиш" достони Термиций хикматларини тинглаб улгайган эл таваллудига етмиш йил тўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирозоевни, шунингдек, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев, Тоғай Мурод ва Менгзиё Сафаров каби адибларни қамолга етказган.

Биенналега "Болалик дунёси", "Менинг Ватаним", "Мен яшайётган олам", "Менинг орзу-

Кэтэван Цалкаманидзе Тбилиси туғруқоналаридан бирида тўнғич фарзанди дунёга келишини кутиб ётар экан, радиодан Хамид Олимжоннинг "Ойгул билан Бахтиёр" достони асосидаги пьесани эшитиб қолди. Шунда Кэтэван "Агар қиз туғилса, исмини Ойгул қўяман", деб аҳд қилди. Дарҳақиқат, соғлом ва дурқун қиз туғилди. Бугун уша қизалоқ — филология фанлари доктори, профессор Ойгул Алексеевна Цалкаманидзе.

Ўзбек халқ эртақлари туркумини грузин тилига таржима қилди. Айнан шу китоб орқали грузиялик болалар олис Ўзбекистонни, унинг халқини, анъаналарини, урф-одатларини ўзлари учун кашф қилдилар. Кейинчалик Грузиянинг турли нашриётлари учун кўплаб ўзбек адибларининг асарларини таржима қилди. Ҳозирги кунда кўпчилик ўзбекчадан грузинчага таржима қиладиган кўзлари чиройли,

ри, куй-қўшиқлари бетакрор одамларини севиш менга тақдирнинг туҳфаси, — дейди олимпиа суратлар албомини варақлар экан. — Бу Албонни тез-тез томоша қилиб тураман. У менга ёшлигимни, Ўзбекистонда ўтган бахтли кунларимни, кўлаб истеъдодли одамлар билан учрашувларни эслаб турди. Айниқса, Шавкат Раҳматуллаев, Шамсиддин Шукуров каби устозларимни, шоир Абдулла Орипов, олимлар Хайрулла Исмаилов, Хамид Нигматов, Лазиз Қаюмовни кўп эслайман. Ҳозирда ҳаёт бўлганлар билан учрашиб, суҳбатлашни азалий орузим.

"Ўзбекистон — Грузия" дўстлик жамияти фаолияти орқали бу орузим тезда амалга ошиштиришонаман. Грузия томонидан "Грузия — Ўзбекистон" дўстлик жамияти тузиш ҳақидаги ташаббусни катта қувонч билан қутиб олдим. Грузин тилидаги "Ўзбек тили" дарслигини ўзбек ва грузин халқлари ўртасидаги дўстликка бағишлайман".

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида

қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланди. Жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шoirи Абдулла Орипов бошчилигида пойтахтимиздан ташриф буорган бир гуруҳ ижодкорлар

Давоми иккинчи саҳифада.

Давоми иккинчи саҳифада.

Давоми иккинчи саҳифада.

Давоми иккинчи саҳифада.

Давоми иккинчи саҳифада.

Давоми иккинчи саҳифада.

ЗУҲРАНИ ЯНА ЎЙНАГАН БЎЛАРДИМ...



Навқирон авлод сўзи
Маъсумахон БОЛТАБОЕВА:
1986 йил Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилган.
2005 йил республика ёш ижрочилар кўрик-танловида учинчи ўринни эгаллади. 2007 йил Назира Аҳмедова номидаги республика аёл хонандалар кўрик-танлови ҳамда 2009 йил халқаро кўрик-танловда маваффақиятли иштирок этди.
2010 йил «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлди.

Ташкент Фотосуратлар уйда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган "Ўзбекистон — бизнинг Ватанимиз" фотокўргазмаси очилди. Унда Рустам Шагаев, Фарход Қурбонбоев, Владимир Соколов, Константин Минайченко каби таникли фоторассомлар билан бирга, фотожурналистлар ҳамда ўз ижодини энди бошлаётган ёш фоторассомларнинг эликдан ортиқ суратлари намойиш этилмоқда.

Шу йил 14 декабр, сешанба кuni соат 11.00 да Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройи кичик залида шоир Мискиннинг "Савти дугоҳ" шеърлар китоби тақдими бўлади. Барча қизиққандлар тақлиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мамлакатимизнинг ўзига хос тадрийжий тараққиёт йўли бугун бизни яна янги-янги манзиллар сари бошламоқда. Бу манзилларнинг уфқи кенг. Халқимиз руҳиятидаги ўзига хос вазминлик, билим ва малака, жараёнларни ҳушёр туриб баҳоллай олиш тажрибаси эндиликда тадбиркорликни янада кенг қулоқ ёйдиришни кун тартибига қўяётди. Айна шу заруратдан келиб чиққан ҳолда Юртбошимиз келаёган 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилишни тақлиф этди. Бинобарин, тараққиётнинг "ўзбек модели"га хос бу жараён моҳият эътибори билан жамиятимиз, бугунги ва келажак тараққиёти-миз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлишни кўзда тутати. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз", — деди Президентимиз. Бу борадаги манзарани рақамлар моҳиятида тасаввур этмоқчи бўлсак, айтиш керакки, ўн йил муқаддам мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи ана шу ўрта қатлам вакиллари — кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган эди, бу йил эса унинг салмоғи қарийб 53 фоизи ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Ҳўш, бу ўрта қатлам вакиллари кимлар? Улар бирор жойда мўмайроқ даромад борми, дея ҳар ёққа аланглаб, ўзи эса қўл қовуштириб ўтирганлар эмас. Ёхуд катта корхоналарга эғалик қилиб, тобора ривожланиб бораётган йирик сармоядорлар ҳам эмас. Улар аввало ўзи ва оиласи учун иш ўрни очган, кичик тадбиркорликни ривожлантириш орқали бошқаларга ҳам иш кўрсатаётган, дўконларимизни ўз маҳ-

сулотлари билан тўлдириб, бозорларни обод қилаётган, миллий ҳунармандликни санъат даражасига кўтариб хорижда ҳам обрў-эътибор топаётган, маҳсулот сифати ва салмоғини ошириб бораётган жонқуяр юртошларимиздир. Президентимиз мамлакат келажagini, "жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдеворини" мана шу ўрта қатлам тимсолида кўрмоқда ва унга катта ишонч билдири-

Муносабат

яққол кўзга ташланаётган афзалликлари бу борада халқимизнинг ҳали ишга солинмаган салоҳияти ва имконияти ниҳоятда катта эканини кўрсатмоқда. Юртбошимиз Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланган маърузасида

борасида сўз юритиб, "Алоҳида катта эътиборни талаб этадиган яна бир масала шуки, ҳозирги вақтда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан савдо-сотик, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кўпроқ ривож топмоқда. Лекин шу билан бирга саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновация ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергия турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур", — деб таъкидлади.

Албатта, бу жараёнда халқимизнинг барча қатламлари кенг қўламада иштирок этиши, масалага ижодий ёндашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасини кенгайтиришга, энг муҳими, жамиятни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришга ўз хиссасини қўиши шўбҳасиз. Мамлакатимизнинг табиий шарт-шароитлари, беқийс бойликларимиз, халқимизнинг яратувчил ва бунёдкорлик қудрати ҳали бу борада очилмаган қўриқдай бўлиб турган имкониятларни ишга солиб юбориши тайин. Фақат бунинг учун соҳалар ривожига тўсиқ бўлаётган жиҳатларни ўз вақтида бартақаб этиш орқали тараққиётнинг аён кўриниб турган манзилларига кенг йўл очиб, одамларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, янги даврнинг янги ҳақиқатларини теран идрок этишимиз зарур бўлади. Бу эса ўзига ва иқтисоди-га, келажакга ишонган ҳар бир фуқародан макон ва замон билан ҳамнафас ҳолда барча имкониятларини рўёбга чиқариб, изланиб, интилиб, куч ва салоҳиятини намойён этиб яшашни тақозо этади.

М.АБДУЛЛАЕВ

Тахририятга хат

Кўнгила яқин му- сика оҳангини эшит- ганингда руҳингда аллақандай энгиллик ҳис этасан, киши. Шу куй давомида юрагинг- га дадиллик, куч-гайрат инеди. Дилга манзур бўлмаган қўшиқ қулоққа чалинса, радио қулоғи- ни бошқа тўлқинга бу- расан ёки ўчириб қўя қоласан.

Лекин сотиб олган ёки обуна бўлган нашринг йил давомида олди- қочди, ур-йиқит, маза-матрасиз қораламалардан (шёр ва ҳикоя дейишга тил бор- майди) иборат бўлса-чи?.. Бун- дай нашрни иложсиз варақ- лайсан-да, алданганинг- га афсусланасан. Ҳар қандай таъриф-у тав- сифга лойиқ замона- мизнинг айрим журна- листдан, ҳаётни "илҳом бўлоғи" дея таърифла- ган айрим ёзувчию шо- иридан ўпкалаб, атоқ- ли адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг: "Даври- миз адабиёти... навқи- рон, чиройли йигит. Унинг эртага ҳам бар- камол бўлиши, ҳусни яна ҳам тўлишуви тур- ган гап. Бироқ унинг баркамол бўлиши ва тўлишувига баъзан

майда-чуйда иллатлар халақит беради, унинг ҳуснини бузади. Бу ил- латларга барҳам бериш учун турли тадбирлар қаторида "қатрон қилувчи танкид"ни ҳам қўлаш керак", деган фикрлари нечоғли ҳақиқат эканига яна бир бор амин бўласан.

Мен бир неча йиллар

бораман. Газетани варақ- лар эканман, қалбимда мутафаккир шоир Абду- раҳмон Жомийнинг қўйидаги мисралари акс садо беради:

Доволар лабидан тўкилар гавҳар, Ким қўксин ҳазина қилолса аъло. Ҳикмат газасидир донолар дили, Ундан узоқ тутма ўзингни асло.

СЕВИМЛИ СИРДОШИМ

Янги йилда ҳам "Ўзбекистон адаби- ёти ва санъати"га обуна бўлиб келмоқдаман. Бу газета ҳатто меннинг се- вимли сирдошимга ҳам айлини улгурган. Қала- ми ўткир журналистларимиз, изланувчан ижодкорларимиз томо- нидан битилган адабиёт ва санъатга доир илмий- назарий мазмундаги мақолалар, ҳикоя ва шёрларни, танқидий мазмундаги мухтасар фикр-мулоҳазаларни мароқ билан ўқийман, ҳолисона таҳлил қилиб

дан бери сеvimли газе- тани "Ўзбекистон адаби- ёти ва санъати"га обуна бўлиб келмоқдаман. Бу газета ҳатто меннинг се- вимли сирдошимга ҳам айлини улгурган. Қала- ми ўткир журналистларимиз, изланувчан ижодкорларимиз томо- нидан битилган адабиёт ва санъатга доир илмий- назарий мазмундаги мақолалар, ҳикоя ва шёрларни, танқидий мазмундаги мухтасар фикр-мулоҳазаларни мароқ билан ўқийман, ҳолисона таҳлил қилиб

Гулбаҳор ҲУСЕИНОВА, ўқитувчи

Вобкент тумани, Косари қишлоғи

Яқин вақтларга бизда реклама тўғрисида ҳозирги даражада шаклланган тушунча йўқ эди. Бугун ҳар қадамимизда реклама- нинг кучини сезасиз. Сотиладиган маҳсулотдан тортиб, миллий- лигимизни тарғиб этувчи хилма-хил рекламаларга ҳақ олганимизга ўз таъсирини ўтказиб бормоқда.

Ўз вақтида реклама тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши бу соҳадаги ишларни тартибга солишда катта аҳамиятга эга бўлди. Ахборот- лар оқимини шакллантириш, тадбир- корлик ва истеъмол маданияти- га жиддий таъсир қилди. Шунинг- дек, юридик ва жисмоний шахслар- ни, ишлаб чиқарувчи ва истеъмол- чини ноқонуний ва истеъмолга яроқсиз маҳсулотлардан ҳимоялаш билан бир вақтда истеъмолчилар- ни чалғитадиган, ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар тарқатилишининг ол- дини олди. Яъни, реклама ва рек- ламачилик фаолиятини тартибга солди.

Афсуски, экранда, бино ва иншо- отлар, йўл чеккаларидаги пешла- вҳалардаги рекламаларда гиж-гиж илмий хатолар, миллий мадани- яти-мизга мос келмайдиган расм ва тасвирлар, ранглар қоришигининг гувоҳи бўламиз.

Кўп ҳолларда тайёрланаётган рекламалар реклама агентликлари-

ларида реклама маданияти ҳақида алоҳида дастурлар ишлаб чиқилса фойдалан ҳоли бўлмасди.

Масалан, Тошкент Давлат мада- ният институти магистратура бўли- мида "Маданият социологияси", "Ижтимоий иш", "Ижтимоий мада- ний фаолият рекламаси", "Оммавий байрамлар ташкилотчиси режиссу- раси", "Маданиятшунослик", "Ку- тубхона ахборот технологиялари бошқаруш фаолияти ва ҳужжатшу- нослик" йўналишлари бор. Бироқ "Ижтимоий маданий фаолият рек- ламаси" йўналишида товар, маҳсу- лот рекламаси ва унинг замонавий ҳолати ҳақида атрофлича сўз юри- тилмайдми.

Биз мазкур институт магистрату- раси талабаларига ўқув йили боши- дан жамиятнинг ижтимоий йўнали- шиди бирор янгиликни тарғиб қилиш, яъни унинг рекламаси лойи- ҳасини ва дастурини ишлаб чиқиш топширилиши лозим, деб ўйлай- миз. Мисол учун, «Маданият соци-

РЕКЛАМА ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

нинг оддий бўёқчилари, рассомла- ри ёки тегишли тасвирий санъат маълумотига эга бўлмаган компю- терчи дизайнерлар томонидан тай- ёрланади. Баъзан бундай реклама ва эълонларнинг мақсад, мазмунни тушуниб олиш қийин.

Реклама агентликларида асосий фаолият ишлар факат дизайнер ва ҳисобчи шуғулланади, табиийки рекламанинг мазмун моҳияти ҳам уларнинг билим ва савиялари да- ражасида. Бу эса ҳали реклама ма- даниятининг тўлиқ шаклланимагани- ни кўрсатади. Масаланинг туб мо- ҳиятига назар солсак, кўча ва йўлларда мавжуд бўлган турли мавзулардаги рекламаларни назор- ат қилувчи ташкилот йўқмикан, деган ўйга борасиз. Аслида бу ма- сала ҳокимликларга юкланган. Улар бу муаммода Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшма- сининг жойлардаги бўлимлари им- кониятидан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўларди. Яъни, тарқати- лаётган рекламаларни ҳар жиҳат- дан таҳлил қилиб бориш ва тегиш- ли ҳулосаларни ҳокимликларга тақ- дим этиш вазифасини уларга топ- шириш мумкин. Бизнингча рекла- ма соҳаси таҳлилини унинг миллий йўналишдаги назариясини ривож- лантириш, реклама тўғрисида аҳолига илмий асосланган маълум- отларни тарқатишдан бошлаш ке- рак. Ижтимоий йўналишдаги олий ва ўрта махсус таълим муассаса-

олюги яъни йўналиши»да маълум бир мавзунинг социал таҳлили ва унинг рекламаси, «Ижтимоий иш йўнали- ши»да мавзунинг ижтимоий аҳами- яти ва унинг рекламаси ва шунга ўхшаш мавзулар.

Талабаларни амалиёт ўташ учун факат телевидение, радио, газета- журналлар тахририятларигагина эмас, балки турли ташкилотларга ҳам юбориш керак, чунки ҳамма со- ҳага реклама зарур.

Реклама саноати ривожланиши учун янгиликни реклама берувчи ва, айниқса, рекламани тайёрловчи ҳар томонлама ўрганиши ва улар мил- лий маданият, маънавият, ментали- тетдан хабардор бўлиши жуда ҳам зарур.

Пешлавлаларда, ОАВларида берилётган рекламалар аввало содда ва тушунарли, миллий маъ- навиятимизга мос бўлиши билан ажралиб туриши керак. Айрим рекламаларимиз чет эл реклама- ларидан кўр-кўрона кўчирилгани боис халқимиз руҳиятига сингиб кетмапти.

Ҳаёт ўзгармоқда. Одамлар онги, айниқса, ёшларнинг тушунчаси ке- нагайиб борапти. Уларга реклама ҳам санъат эканини аниқлашимиз, санъ- ат даражасида яратилган реклама- ларни кўпайтириш орқали бу бора- даги сазелик ва галликликларга бар- ҳам беришимиз зарур.

Наргиза АҲМЕДОВА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ва истеъдодли адиб Эркин Аъзам, шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Сиро- жидин Сайид ва Шоберди бахши Болтаев каби истеъдо- дли ижодкорлар ҳам шу юрт фарзандларидир. Сурхон во- хасидаги адабиёт кунларида улар яратган асарларнинг адабиётимиз раванқидаги ўрни ҳақида сўз борди. Сурхон адабий муҳитининг катта ада- биётимизга пайванд илдилари, бу элнинг истеъдодли шоир ва адиблари ижодининг мустақиллик даври адабиёти- га қўшаётган хиссаси эътироф этилди. Бугунги кунда ёзувчи- ларимиз олдида турган масъ- улиятни вазибалар ҳам яна бир бор эсланди.

Ижодкорлар Ал-Ҳаким ат- Термизий мақбарасини зиёрат

қилишди. Бу табаррук қадам- жонинг Президентимиз ташаб- буси билан кўркам зиёратгоҳ- га айлангани, меъморий оби- данни тиклаш-таъмирлаш жара- ёнида янада чирой очгани, янги музей қурилиб, қадимий қадриятларимиз эъзоз топаёт- гани барчани қувонтирди.

Шундан сўнг, адабиёт кун- ларининг завқу шодиденаси Бойсун туманига етиб келди. Бойсун марказидаги мадани- ят маскани тоғ қишлоқлари- дан, коллежлар ва янги корхо- налардан келган адабиёт му- хлислари билан тўлди. Улар ижодкорларни қизгин қарши- ладилар.

Бойсун алпомишлар юрти, халқ оғзаси ижоди бешиқла- ридан бири. "Алпомиш"ни қўйлаган бахшилар нафаси- дан яралган адабиёт шеър- ушқин, термаю ўлан, қиссаю романларга айлини миллий адабиётимиз хазинасини

СУРХОН СУҲБАТЛАРИ

Бойитмоқда. Бойсундаги ада- бий тадбирларда шу диёрда туғилиб ўрган бетақор адиб Шуккур Холмирзаевнинг пор- лоқ хотираси ёдга олинди. Шу заминда воғга етган шоир ва ёзувчилар Усмон Азим ва Эр- кин Аъзам таваллуд санала- ри билан муборакбод қилин- ди. "Шаллола" ва "Бойсун" санъат дасталарининг рақс- лари, дилбар тароналар, "Қуралай" болалар фольклор ансамблининг халқона ўйин- лари адабиёт байрамига ўзига хос шўхуқ бахш этди.

Тадбир иштирокчилари ту- мандаги 1-умумий ўрта таъ- лим мактабига ҳам таширф буюришди. Ўқувчилар ижод- корларни гуллар, куй-қўшиқ- лар билан қарши олдилар.

Орипов, Усмон Азим ва бошқа ижодкорлар ўқувчиларга ўзларининг янги шеърлари- дан ўқиб бердилар. Шеърлар шеърларга, куйлар куйиқ- ларга уланди. Мактаб бағри адабиёт ва санъат шўхуқидан фойзага тўлди.

Адабий тадбирлар, ижодий учрашувлар "Баркамол авлод —2011" спорт байрамига кат- та таралдул кўраётган сурхон- дарёликларга кўтаринки руҳ ва хуш кайфият бағишлади.

Адабий тадбирларда вило- ят ҳокими Т.Жўраев иштирок этди.

Менгвор ОЛЛОМУРОД, Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими масъул котиби

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Сизнингча ижод нима, сиз ижод моҳиятини қандай тушунасиз? — Хоҳ жазон опера санъати асар- лари бўлсин, хоҳ миллий спектакллар опера ижросининг вазифаси образ- ни томошабинга тўлиқ ва мукамал

ҳон саҳнасида қуйлай оляпти. Ҳозирги кунда халқимиз ораси- да ҳам опера санъатига қизиқиш ортиб бораётгани кузатишмоқда. Катта саҳналарда намойиш эти- лаётган концерт дастурларида ҳам опера санъати намойиш этилаётга- ни қувонарли, албатта. Узоқ қишлоқ- ларда бўлганимда, сизни байрам концертида кўрдик, дейишди. Мух-

Навқирон авлод сўзи

Иргашева, Женисбек Пиязов, Умид Исроилов, Азамат Мухаммаджонов- нинг ижодий изланишларига жаҳон опера ихлосдорлари ҳам қизиқиш билдиришяпти. Тенгдошларимиз ижодида ёшларга хос жўшқинлик сезилади.

Биласизми, бугунги тенгдошларим- нинг ютуғи нимада? Улар жаҳон опера санъатининг энг йирик ижро- чилари асарлари билан ҳам танишиб бориш, маҳорат сирларини ўрганиш имконига эга бўляптилар. Муяссар Раззоқова ижодиға қанча ҳавас қил- сам, сопрано Мария Калласни ҳам

шундай севиб тинглайман. Ёки Аваз Ражабов ижроларидан саҳна руҳини ўргансам, италян тенори Энрико Карузо асарларидан ҳам шу қадар таъсирланаман. Улар- нинг ҳар бири ўрганиш лозим бўлган катта ижодий мактаб яратишган. Ҳар биридан саҳнада ўзини тутиш мада- нияти, дирижёр билан ишлаш, спек- такл постановкасида ўз образини эркин ифодалаш тажрибасини ўр- ганиш мумкин.

Ҳозир навбатдаги халқаро кўрик- танловда қатнашиш учун тайёргарлик кўрялман. Келгусида ўзбек опера санъати ривожига мен ҳам ўз хиссам- ни қўшсам, дея орзу қиламан.

Ш.ҒИЁСИДДИНОВА сўхбатдоши

ЗУҲРАНИ ЯНА ЎЙНАГАН БЎЛАРДИМ...

етказиб бера олиш. Менимча, асар юқори даражада ижро этилгандаги- на ижод моҳияти англашмоқда. Тинг- ловчи ҳам бундай оригинал ижродан таъсирланади, маънавий озуқа ола- ди. Шу маънода, ижод моҳияти ижод завқи билан бирга юзага чиқади.

Консерваторияда ўқиб юрган кез- ларим Хайдарали Қосимовнинг «То- хир ва Зуҳра» спектаклидаги Зуҳра образи дебют ролим бўлган. Бу об- разини ижро этганимда ёш бўлганим сабабли, ҳар ҳолда, ҳозир баъзи камчиликлар сезилади. Буни энди ту- шуна бошлайман. Зуҳра қалбини ўртаган севги изтиробларини мана бугун ҳис қила бошлайман. Ижод қилиш бахти менга ҳам насиб этаёт- ганидан хурсандман. Ижод моҳияти олдидаги масъулият камчиликларни тузатишга қорлайвераркан. Агар имконият туғилса, Зуҳра образини бошқароқ руҳда талқин этган бўлар- дим.

— Бугунги ижодий жараёнга му- носабатингиз?

— Давлатимиз томонидан барча санъат турлари каби операга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Бугун ижодий жараён жуда қизгин кечаёт- ганилини алоҳида таъкидлашим ке- лади. Опера йўналишида ижод қила- ётган ёшлар кўплаб халқаро кўрик- танловларда қатнашиб, совриндор бўлиб келяпти. Ўзбек операсини жа-

лисларнинг бундай эътибори рух- лантириб, ўз ижодинга талабчанли- гини ошириб юборар экан.

Сулаймон Юдаковнинг «Майсаран- иш» спектаклида Ойхон, Муста- фо Бафоевнинг «Севгим самоси» асариди Ой-Ҳулқар, жаҳон классик асарларидан П.И.Чайковскийнинг «Пиковая дама», Дж.Бизенин «Кар- мен» спектакларида катта-кичик ролларини ижро этганман. Бу образ- ларнинг ҳар биридани нимадир топши- га, ўрганишга ҳаракат қилиб келаман.

— Ўзингиз ва тенгдошларингиз фаолиятини қандай баҳолайсиз?

— Ҳар доим бир жиҳатга эъти- бор бераман. Опера санъатида ижод қилган Назира Аҳмедова, Ҳалима Носирова, Саодат Қобуло- ва каби хонандалар ўз даври, келаж- ак авлодлар учун ҳам ардоқли, таъбир жоиз бўлса, ноёб санъаткор- лар бўлишган. Бу таъриф сўз ёшлар учун устозимиз бўлган Муяссар Раззоқовага ҳам тегишли, деб ўйлайман. Бизнинг тенгдошларимиз орасида опера йўналишида ижод қилаётган ёшлар кўпчиликини таш- қил этади. Табиийки, ўз-ўзидан рақо- бат ҳам кучайиб бораверади. Биргина Алишер Навоий номидаги академик катта театрида фаолият юритаётган кўплаб ёшлар ҳақида сўзлашим мумкин. Раҳим Мирзақа- молов, Жаброил Идрисов, Нилуфар

"XX АСР РУС ШЕЪРИЯТИ"

Жаҳон адабиёти тарихи- да XX аср рус поэзияси ало- ҳида эътиборга сазовор шеърят сифатида доврў қозонган. Бу шеърятга хос мардонавор рух, муҳаббат- нинг самимий, ҳазин ва те- ран талқинлари, адолатга нисбатан улкан маънавий эҳтиёж уни дунё халқлари- нинг қалб мулкига айлан- тирди.

Таниқли шоир ва таржи- мон Мирпўлат Мирзо бир неча йил мобайнида ижодий изланиб, XX аср рус шеърятининг йирик намоянда- лари ижодидан намуналарни ўзбек тилига таржима қилиб келади. Яқин- да Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган "XX аср рус шеърятини" но- мли мажмуага М.Мирзо таржимаси- да ўн беш нафар атоқли шоирнинг шеърлари жамланган. А.Ахматова, К.Бальмонт, Б.Пастернак, О.Ман-

Доимий ҳамроҳ

дальштан, М.Цветаева, Е.Евтушенко, А.Вознесенский, И.Бродский, Н.Рубцов сингари машур шоирлар- нинг мазкур китобдан жой олган бетақор шеърлари жаҳон адабиёти билимдон- лари, рус шеърятини ихлос- мандлари учун ўзига хос тух- фа бўлди.

Китобга ёзган сўзбошида Ўзбекистон Қҳрамонни, Халқ шоири Абдулла Орипов таъ- кидлаганидек, "Қўлимиздаги ушбу тўпلامга кирган шоирлар ҳар бири ўзига хос ва дунё эътироф этган шо- ирлардир. Уларнинг ҳар бирига хос қалб оҳангини таржимон теран илға- ган. Бу жиҳатни ҳам Мирпўлат Ми- рзонинг ютуғи дейиш мумкин. Яши- таржима қилинган асар эса кўнги- лмулкига айланади".

Нашр муҳаррири Муҳиддин Омон. Китобни мусаввир Анатолий Бобров беэзанган. Адади 1000 нусха.

Тўра МИРЗО



ЧЕЧАК

Покиза кийимда тугилган чечак, Кулиб термуласан барчага бирдак...

Сен учун бум-бундир кўнгиллар тўри, Бошингда ўргилар булбул чуғури...

СЕНГА ТИКИЛМАККА УЯЛАМАН...

СИНГЛИМ МАЪРИФАТГА

Боғлар ога-синглини нафас, Расулллоҳ қилдиларким лутф...

Орамизда олтин бошоқлар Яратганга тасбеҳ айтар мўл...

Хар бир донга бир хона қуриб, Бошин қўкка кўтартирган ким...

Ерда унган буюдой севишч-ла Хув, осмонга иллизини отган...

Қорини бошоқлар саси, Уранганча ол, олтин бахтта...

Бошоқдаги буюдойни санаб, Зикр қилдим минг, ўн минг, сон минг...

Чўзилганча дала Хаййу Хув, Ўз жойида қайиш кекса тоғ...

Тўхта ачам қилганда дуо, Кўлин очар эди соатлаб...

Тўлиб кетса кафтимга чарчоқ, Ичда дуо тўхтасин дердим...

Кўкка ўрлар олтин оятлар, Ерда туриб қулоқ солмабман...

ОЛМА ДАРАХТИ

Олма дароз эди, ери соз эди, Кимлар мўл-мўл, хил-хил мевасин еди...

Тош отдилар ёзда, куз-ку муттасил, Отлиди тош унга ҳатто қиш фасл...

Халқ топиб айтади, деганлари дур, Ҳатто йўталининг маъноси чуқур...

Куй борми вило айтган — Таронадан кейин ҳам...

Маст бўлди жумла олам Соғарин тутганда ғам...

Осмонни суйган кўнглим, Заминда куйган кўнглим...

Эй ягона соҳирим, Дил овлашга моҳирим...

Кўёш бўлиб харидор, Оқсочим эди баҳор...

Рухим кийганида гул нафасидан Сабо тиккан ҳарир, шойи кўйлакни...

НУҚРА ШАБНАМ ГУЛ НИМЧАСИДА

БЕКИНМАЧОҚ

Болаликда жуда яхши кўрдим, Бекинмачоқ деган қизик ўйинни...

Бу ўйинда жуда моҳир эдим мен, Ҳеч ким тополмасди беркинсам агар...

Бугун кўзларимга қуйиларкан тун, Ўзимни ўзимга яшириб қўйдим...

Бу ердан дегим келару бироқ Ўйиннинг шартини бузгим келмайди...

Куй борми вило айтган — Таронадан кейин ҳам...

Маст бўлди жумла олам Соғарин тутганда ғам...

Осмонни суйган кўнглим, Заминда куйган кўнглим...

Эй ягона соҳирим, Дил овлашга моҳирим...

Кўёш бўлиб харидор, Оқсочим эди баҳор...

Рухим кийганида гул нафасидан Сабо тиккан ҳарир, шойи кўйлакни...

Юлдузларнинг ипак, заррин хаёли Ювганда чанг босган эски юракни...

Уйғотиб соғинчнинг афсонасини, Суймаса суймабди бешафкат қисмат...

Порлаб турган нуқра шабнамни ўпиб, Мендан олисдаги тонгинг кўзидан...

Иситмаси жуда баланд кечанинг Тушларига дарё киргани каби...

Хайрият, кўзимда тундаи кўёш, Эрта ёришаман унга баробар...

Қизғалдоқ яноғин ўпган шамолдек Исмсиз кунларга кетгандим бадар...

Қачондир дарёдек тошганлитим бор Ёмғир келтирганда сиз ҳақда хабар...

Азоб даштларидан зарра-зарралаб, Қалбим йиғдимикан илоҳий заргар...

Тупроғу сув, гулхан, гоҳо ҳаводан Жоним титроғида бордани хатар...

Само дарёсида оқар олмалар, Тикилсам кўзимнинг нури етмайди...

Ҳалима АҲМЕДОВА



Малаклар бежирим қулоқларига Таққанда сийдириб ойнинг ярамини...

На шуъла — эҳтирос, на-да бир мавж бор, Бугун олисдадир гарчи ишқ шаъми...

...Одам Ато, кечир, саркаш Ҳаввоман, Мени тушунмайди на само, на ер...

Ажалдан яқиним, ишқдан йирғим, Мавжнинг аришда қурган равоғим...

Нурдек ҳақлигим гулдек ёлғоним, Чорасиз фақирим, мағрур ҳоқоним...

Минг бир туюқингман, минг бир совбинг, Ялдо тунидани, айт, изтиробинг...

Йўлимсану яна баланд деворим, Ғамимдан шод, шодлигимдан беморим...



Ҳассос шоирлар Зулфия ва Ҳамид Олимжон.

Мангу Лаҳза Тонда Султонанинг уйда тус-туполон бошланди. Ҳаммалари йиғи-сиги қилиб чақалоқни қари бошлади...



Қўлида офтоба кўтариб, маъносига келатган аёлини кўрганлар унга ачиниб билан қарашар...

дан хавотир ҳам олар, энг сўнгги сўз қачон айтилишини изтироб билан куттишар эди...

ттан томонга қаради. Ойзаданининг бешигидаги чақалоғи одалтайдик ярим тунда йиғисини бошлаган эди...

тез ҳиққиламоқда эди. Робия ўз сояслан кўрқиб кетди. Уни шу алфозда Султонани ёки Ойзода кўриб қолгудек бўлса қўймаг қўйим бўлиши турган гап эди...

да болантни хумордан чиққунча парвариллашган" — деган эди эри. "Улар қиз болани фарзанд ўрнида кўришмаётган бўлиши, айтинг, чақалоғини бизга беришин...

Қишлоқда эса ақл бовар қилмас ушбу воқеани одамлар бир неча йиллар кўриштириб, семиртириб гапириб юришди...

Кейин улар қишлоққа киришди. Султонанининг уйига етганда бир муддат тўхтаб, ўйланиб туришди...



Титроқ овоз билан Ойзадани бир-икки чакриди. Гуланининг чирчиллаб йиғлашини эшитмаган аёл бунинг синиқ овозини қаёқданам эшитсин...

Ўзгирин кўрсин

— Кеча дарёдан тутган балиғимни хайрият сотмаганим, уйда тазалаётган эдик, қорнидан икки ҳафта олдин сувага чўкиб кетган дўстимнинг шими чиқиб қолди. Чўнтагини қалласам, беш юз доллар пули бор экан, — деди лофчи балиқчи касбдош дўстига.

— Баттар бўлсин, хасис, — гудранди дўсти, — чўкаётганидаги гапни эсингдами, винога озорқ пул ташлаб кет десак, ёнимда бир мири ҳам қолмади деганди-я. Ўзидан кўрсин.

Набиранинг орзуси

Буви набирасидан сўради: — Болажоним, мана, бўйга ҳам етиб қолдинг, атрофингда йигитлар гирдиқапаалак бўлишпти. Турмуш қуриш ҳақида уйлабсанми? Ё шаҳзода кемада келиб, олиб кетишини кутиб юрибсанми? Кимга чиқмоқчисан ўзи?

Набира биров ўйлаб турди-да, жавоб қайтарди: — Эҳ, бувижон, биласизми, менинг турмуш йўдошим ақлли, чиройли, қўли очик, бизнесмен, яна... уйим-жойим дейдиган, истаган нарсамни муҳайё қиладиган, юриш-туришимни тергамайдиган бўлиши керак.

— Э-э, озгиндан ел олсин-е, — деди буви си кўрқиб кетиб, — нима бало, етти марта эрга тегмоқчимисан?

Добонинг ҳасрати


Невара бобосидан сўраб қолди: — Бобожон, бувини қандай топансиз? Биринчи учрашувингизни гапириб беринг.

Анвар ОБИДЖОН

ХОТИНИНГНИ ПОЙЛАЙВЕРМА КЎП

МОЛ БОЗОРИДА

— Қўйини олиб кутмасдан, Думбас эриб кетмасдан. Гўшти — уламо-арбобга, Фойдаси — бахтли қасбобга!



— Қовурғалари саналган, Ўпка-жигари ямалган. Найникидир тор бўғзи, Неча пул чандир бу қўзи?

— Иякда гажжак — оймича, Жунидан чиқар беш нимча. Олойни кўрган эчки бу, Суглар оқувчи «речка» бу!

— Тиллари чириб тўкилган, Иккала лунжи сўкилган. Айниган боши кўш шохлик, Неча пул бадбўй бу маҳлук?

— Сапир жимириб қулогин, Олади юз тўй улогин. Шу отни минса ҳатто чол, Артис қизиям қилар до!

— Силласи қуриб сулайган, Ўлимни пайқаб гўлайган. Оёғи — чала акашак, Неча пул отбош бу эшак?

— Оваси финлар аймоғи, Сутидан кўндир қаймоғи. Илгари эдим гирт гадоё, Сигирим боис бўлдим бой!

— Аранг кўтарар белни, Чойхалтадек елини. Хашиқни қавшар беистак, Неча пул жонли бу пўстак?

...Ахтариб, ростгўй зот топ-чи, Сотарида ҳамма зўр лофчи, Оларда қитмир ҳамма ҳам, Бозордир асли бор олам.

Бизнинг касбимиз бўйича иш ҳақи тўлашга маблағ ва иш ҳақини йўқлиги сабабли Юнусов туманидаги «SHANRIZODA COLLECTION» МЧЖ (инн-300888975) ўз-ўзини тутатганини маълум қилади. Давволар 2 ой давомда Фани Мавлонов кўча 3-уй, 112-хонадонда қабул қилинади. Тел-470-60-50.

М.Улуғбек тумани БТИ томонидан Мирбаев Дўра Юлдашевни номига берилган Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Гулсанам кўчаси, 12-хонадонга тегишли йўқолган уй плани бекор қилинади.

Шайхонтоҳур туман ҳокимияти томонидан 28.04.2006 йил № 0903984 рақам билан (реестр 1723) Халикова Зульфия Наҳимова номига берилган йўқолган патент бекор қилинади.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 19-мактаб томонидан 2006 йили Бўрихонов Санжар Холтуревич номига берилган О'Р — СН № 0741168 рақамли йўқолган аттестат бекор қилинади.

Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети томонидан 2006 йил Олқосимов Уткир Жаҳарович номига берилган 094394 рақамли диплом йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

Юнусов туманида 30.04.2010 йили № 005726-10 рақами билан рўйхатга олинган «AVTO RAVON SERVIS» хусусий корхонаси (ИНН 3015988022) тугатилади. Эътирозлар икки ой давомда Каранкул кўчаси, 12-уйда қабул қилинади. Тел 341-51-41

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 04.10.2007 йил № 000140-09 рақам билан рўйхатга олинган «VSL-VISOL» масъулияги чекланган жамияти («VSL-VISOL») тасвирининг 09.12.2010 йилдаги қарорига мувофиқ тугатилади.

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомда қўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кичик Халқа Йўли кўчаси, 8-А.

Мирзо Улуғбек тумани БТИ томонидан Қорасув-4, 4-уй, 16-хонадон учун Махмутов Ириссой Тойчиевич номига берилган йўқолган уй плани бекор қилинади.

Юнусов тумани тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан «ATTTRANERGY TRADING» МЧЖ (ИНН 300831904) га берилган № 001 703 рақамли йўқолган «GUVONHOMA» бекор қилинади.

Баъзилар бошқаларни ўзига ўхшаб фикрлаганликлари учун ёқтиришмайди.

Бировга баҳо беришда янглишганлардан кўра ўзига баҳо беришда янглишадиганлар кўп.

Кўпинча қалбаки нарсалар асл нусхадан кўра чиройли кўринади. Алданишга мойилроқмиз, шекилли.

Шундай ижодкорлар бор, номини биласан, аммо нима ёзганини билмайсан. Шундай шеърлар борки, кўпчиликка ёд бўлиб кетган-у, муаллифини билмаймиз.

Осмонда булут кўринаса-да, ёғмай ўтиб кетиши мумкин. Одамда салобат бўлса-да, саховат бўлмаса, ундан нима фойда.

Хар бир одам ўқилмаган китоб, деган гап бор. Лекин, кўпинча бу китобнинг мазмунига эмас, муқовасига қараб баҳо берамиз-да!..

Хураётган итдан кўрқиб, қалтираб турган кишига кимдир далда берди: — Кўрқманг, биродар, хуронгич ит тишламаслигини билмайсизми?

Хўй, қаёққа кетяпсан, Шипшак, гушни иштонда? Садом бермай ўтгасан, Пучуқ бурнинг осмонда.

Ё боряпсан ҳис этиб, Тўйпаловнинг тотини. Ё пивага пул бериб, Уйдан қувган хотининг.

Торсан, қўшни, кўнглинг тор, Қишин-ёғин, шом-наҳор Хотинингни пойлайсан.

Табиб пандин англашда, Соғлигини асрашда Уқувсиздир бу олим.

Келдинг нелар қасдида? Кўрқма, болинг остида Тўшпончам йўқ, вином бор.

Ойлик олиб янай деб, Мен ҳам бир пок ошай деб, Ишга кирдим заводга.

Ташқарида учоқ кўп, Кирволмасин бўлиб тўп, Деразани ён тезроқ!

Тошкент шаҳар, Норхўжаев кўчаси, 56-уйда жойлашган МЧЖ «PAPIRUS-MODERN» кўлпрофилли ишлаб-чиқариш фирмаси (ИНН 206918183, ОКОНХ: 22015060) дебитор ва кредиторларга низом жамғармасининг 274 398 000 сўмдан 136 598 000 сўмга қамайганини маълум қилади.

Тошкент шаҳар, Қунаев кўчаси 12-уйда жойлашган МЧЖ «TASHELEKTRONALADKA» - х/р 2020800050474418000 (Яккасарой туманида) тугатилади. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомда Қунаев кўчаси, 12-уйда қабул қилинади.

Нурхонов Турди томонидан Ўли Нурхонов Абасхон Турдыевич номига берилган йўқолган васиятнома бекор қилинади.

Ҳамза туманидаги «ORGALOOA» Тажриба-Техника Маркази Шўмба корхонаси (ИНН 200 555 070) тугатилади. Эътирозлар икки ой давомда қўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Жарқўрган кўчаси, 43-уй.

Юнусов туманидаги «SURIA SERVIS» МЧЖга тегишли бурчакли штамп ва думалок муҳр йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Яккасарой туманидаги «CROSS MASTER» (ИНН 300728231) тугатилади. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомда қабул қилинади. Тел: (+99897) 410-08-37.

Тошкент шаҳар «Ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчас млик кадастри» ДУК томонидан «PALLADA INVEST MENT» ШК номига берилган ТА № 1054249 сонли 2010 йил 29 сентябрда берилган кадастр гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Шайхонтоҳур тумани БТИ томонидан Гулобод маззеси, 7-уй, 36-хонадон учун Эргашев Турдимурод Каримович номига берилган уй хужжатлари: — квартира плани, — олди-сотти шартномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

— Бу гап уйдагиларга нима деб чиқдингиз? — Дугонамнига боряпман, дедим

Кимга қийин?

Эр-хотин бир-бирларига ҳасрат қилиб қолишди. — Адаси, менга сира раҳмингиз келмайди-я, ҳар куни ишга бораман, болаларни боғчадан оламан, бозор-учар қиламан, уйга келиб кир ювман, овқат пишираман... — Битта сенга қийинми, — эътироз билдирди эр, — менга ҳам осон тутма, ҳар куни ишга бораман, мажлисларда ўтираман, ҳориб-толиб уйга келаман, бу ҳам майли, ҳар куни сен пиширган овқатни ейман. Сал инсоф қилсанг бўлармиди...

Кўёв Бола

Янги уйланган йигитдан ўртоғи сўраб қолди: — Қалай, кўёвбола, уйланиб олиб кир ювишдан қутилгандирсан? — Эҳ, нимасини айтмай, дўстим, — деди кўёв хўрсиниб, — авваллари бир ўзимникини ювар эдим, энди бўлса...

Топ думга

Денгиз бўйи. Чивинлар визиллаб учиб юришибди. Бир пайт нариги қирғоқда ҳарбийлар машқ бошлаб юборишди. Ракеталар олов қарибди, шунақа тез уча бошлашдики, буни кўриб, ёш чивинча онасига деди: — Ойижон, анави чивинларнинг училиши қаранг. Зўр-а? Катта бўлсам, мен ҳам шунақа тез уча оламанми? — Уча оласан,— дедди онаси хўрсиниб, — думингга ўт кўйишса борми, бундан ҳам тез учасан...

Аҳмад ОҒА

Кўнгли уйғонганда

— Мен-ку биламан, бироқ буни анови кўпкак билмасмикан, деб кўрқайман-да.


Баъзи расмларни кўрсангиз худди жонлидек таассурот қолдиради. Баъзи тирик инсонлар эса суратга ўхшаб кетади.

ОДАМ — ЎҚИЛМАГАН КИТОБ...

Кундалик истемолда ширин асал ҳам, аччиқ қалампар ҳам керак. Ҳамма гап уларнинг ҳар бирини ўрни ва меъёрида ишлата билиш-да.

«Телефон хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида», деган жавобни ашитганда уйланиб қоламан: телефон-ку майли-я, баъзи бир одамлар ҳам ўз хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида қолиб кетишмаяптими?

Ҳабиб СИДДИК



Эҳ, болдай ширин...

Соғлигинг — бойлигинг

Саломатлик ва пазандалик

Инсоннинг соғлиги дастурхон зийнати, истемол қилаётган таомлари сифатига бевосита боғлиқ. Шу боис пазандалик соғлиқни сақлашда биринчи даражада аҳамият касб этади. Гарчи таом тайёрлаш бобида аёллар бировдан ўрганишини у қадар хушламаса-да, таомни сифатли, мазали ва саломатлик учун фойдали қилиб тайёрлашнинг сирлари кўп. Илм-фан ҳам бу соҳага вақт-вақти билан ўз таҳрирларини киритиб бормоқда.

Мана, пазандалик илмига доир энг сунгли янгиликлар. **Олдий сабини пиширишни олайлик.** Кўпчилик пазандалар биров таом пишираётганда сабини бўлақларга бўлиб қозонга солади. Мутахассислар эса бу усулни нотўғри, деб ҳисобламоқдалар. Хусусан, Нью-Йорк университети профессори К.Брандт шундай фикрда. Унингча, сабини бутунлиги овқатга солиш ва пишиб чиққандал сўнггина бўлақлаш керак экан. Шундай қилинса, сабинидаги саратонга қарши курашувчи моддаларнинг 25 фоизи сувга чиқиб кетмайди. Бу юзта пазанда иштирокида, уларнинг кўзи боғланган ҳолда ўтказилган тажриба жараёнида исботини топган. Мазлум бўлишча, бутун ҳолида пиширилган сабинининг таъми мазали ва тўйимли бўлар экан. Бўлақлаб пиширилган эса сабинидаги энг зарур ва шифобахш моддалар сувга чиқиб, қайнаш жараёнида йўқолиб кетаркан.

Картошкани эса пўсти билан пиширган маймул. Шунда унинг пўсти таркибидаги фойдали қалинини яхши сақлайди. Картошкани духовкада пишириш янада фойдали. Бунда уни бўлақларга бўлган ҳолда пиширса ҳам бўлади, фақат пўстини арчиб ташламаслик керак.

Табиатнинг бошқа эҳсонларини эса, қанча майдаласангиз шунча яхши. Масалан, **саримсоқни олайлик.** Уни таомга солишдан аввал яхшилаб эзиб, 10-20 дақиқа шу ҳолда сақланг. Эзилган саримсоқда шу вақт ичида кислоталар ва ундан чиққан ферментлар таъсирида саратонга қарши курашувчи жуда кучли восита — аллицин моддасининг биосинтез жараёни юз беради. Бу усулда таркиби бойитилган саримсоқни салатларга қўшиш ва таомларга солиш мумкин. Фақат уни барча масалликлардан кейин солган маймул. Пиёзни ҳам таомларга худди шу тарзда ишлатинг. «Ширин» пиёзнинг фойдаси катта. Саратонга қирон келтирувчи моддалар айнан кўздан ёш оқизувчи аччиқ пиёзда сероб.

Карам эса, ундан тайёрланган ярим фабрикалар тўғрисида, шифобахшлик ҳусусиятига эга бўлади. Карамдан ажралланган ферментлар таъсирида у изототиоцианатлар, деб номланувчи мураккаб моддага айланади. У саратонга қарши кучли восита ҳисобланади. Айниқса, аёлларда учрайдиган кўчрак саратоннинг олдини олишда бу бекдес ҳимоя воситаси. Польшада бу хасталик бошқа мамлакатлардагига қараганда кам учрайди. Бироқ поляк қиз-жувонлари Америкага кетиб муқим яшаб қолишса, улар ҳам худди америкаликлар каби шу хасталикка тез-тез чалинаркан. Бунинг боиси, Польшада ачитилган карамнинг (квашенная капуста) кўп истемол қилинишидир. АҚШда пастеризация қилинмаган янги сугдан тайёрланган пишлоқлар каби ачитилган карамни сотиш ҳам таъқиқланган. Негаки, бу махсулотларни улар саломатлик учун хавфли, деб ҳисоблашади. Худди самонини уйда ўз эҳтиёжи учун (сотиш мақсадида эмас) тайёрлаш мумкин бўлганидек, ачитилган карамни ҳам фақат уйда тайёрлашгагина рухсат берилади.

«Дўлма», «соланка», «ци» каби таомлар учун ишлатилмаган карам унчалик фойдали эмас. Шу сабабли, бу таомларга янги йирик-йирик кесилган карам ишлатилди. Уларда фойдали моддалар кам бўлишдан ташқари, таом тайёрлаш жараёнида иссиқ ҳарорат таъсирида парчаланиб кетади. Шунинг учун карамни бузда пиширишга ҳаракат қилинг. Барча турдаги карамлар (гул карам, брокколи карам ва бошқаларни) бузда пишириб, истемол қилиш фойдали. Бордию карам апроқлари илтиҳа қилиб тўғрласа ва сўнгра унинг таркибидаги шартнинг чиқинчи учун сал-тўз эзилган ҳолда 15-20 дақиқа қўйиб қўйилса, янада яхши. Шундан сўнг ундан салат қилинса энг шифобахш таом бўлади. Шу усулда тайёрланган карам иссиқ овқатга ишлатилса ҳам оdatланган кўра фойдалироқ бўлади.

Янги помидор эса тўғраб, товага солиб бўтқага айлантирилса, унинг таркибидаги ликопен моддаси организмга яхши сингали. Бу ҳам саратонга қирон келтирувчи яна бир кучли таом ҳисобланади. Ликопеннинг простата саратонига қарши восита сифатидаги ҳусусияти яхши ўрганилган. Аслида у жуда универсал восита бўлиб, қон томирларини ва юракнинг бардамлиги учун ҳам жуда фойдалидир.

Хасталик пайтида бемор ўзини қандай тутини керак? Самарали ва хавфсиз воситаларни қандай ташлаш мумкин?

Бу саволларга фақат шифокор аниқ жавоб бера-да, ҳар ким билиши зарур бўлган олдий ва муҳим нарсалар ҳам йўқ эмас.

• Шамоллаш ёки грипнинг илк белгилари сезилган заҳоти уйдан чиқмасликка ҳаракат қилинг. Негаки, хаста одамнинг иш қобилияти сувайиб кетади, ишга ботгани билан самарали меҳнат қилолмайди. Боз устига, хасталиги оғирлашадиган ва касбдошларига ҳам ўша касални юқтириши мумкин. Хаста одам уйда ётмай ишга бориб-келиб юрaversа, соғлиги тикланиши сўст кечади.

• Фақат шифокор мутахассисига беморнинг аҳоли- руҳиятидан келиб чиққан ҳолда, даволаш муолажасини аниқ белгилаши мумкин. Шунинг учун ўзингизни қандай ҳис эътиборингизга қараб, уйга шифокор чақиринг, ўзингизни даволаш билан шугулланманг.

• Тез соғайиш умидида турли дориларни ичверманг. Бирорта дори-дармон ўткир юқумли хасталиклар ва грипни бир кун ёки бир неча соат ичида даволашга қодир эмас. Айрим дориларнинг ноқуш таъсири ва улардан нотўғри фойдаланиш саломатликка кўп зарар етказлади.

• Антибиотиклар ва кучли таъсир кўрсатувчи бошқа дори-дармонларни ҳар эҳтиомлга қарши ўзингизча ичманг. Организмга самарали таъсир кўрсатади, деб зўр бериб реклама қилинаётган дори воситаларидан, айниқса, эҳтиёт бўлинг ва уларга кўпман ишонманг, чун тўшиб қоласиз. Улардан наф йўқ, агарда биров зарари бўлмаса! Уларни болалар ва қарияларга асло бера кўрманг, катталарга эса фақат шифокор тайинлагандан сўнг беринг.

• Хасталикнинг оқда ўтказманг. Организмнинг хасталикка қарши курашмоғи учун унга имкон беринг. Грипп вируслари учун юрак-қон томир, асаб ва эндокрин тизимлари асосий нишондир. Уларга асорат етмаслиги учун жисмоний саёй-ҳаракатларни чеклаш зарур.

• Организмнинг эҳтиёткорлик билан ёрдам беринг. У доимо ўз кучи билан хасталикка қарши кураша олади. Сиз фақат хавфсиз дори-дармонларни қабул қилиш йўли билангина унга ёрдам беришингиз мумкин. Грипп ёки ўткир юқумли хасталикка чалинганда, илсини, биринчи навбатда, унинг белгиларини ўз вақтида даволашдан бошланг.

• Эмлашини унутманг. Бу хасталик юқишидан асрайди ёки унинг энгилроқ ўтишига ёрдам беради. Ушбу қондаларга риоя этган ҳолда саломатлигингизни сақлашга ҳаракат қилсангиз соғайиш жараёни тез кечади.

«АвФ»нинг 47-сонидан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Абдулла Жалилга синглиси **ДИЛБАРХОН**нинг вафоти муносабати билан чўкур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Тўлқин Ҳайитга онаси **СОРА** аянинг вафоти муносабати билан чўкур таъзия ихор этади.

МУАССИСЛАР, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: «ШАРҚ» ПАШИРЁТ-МАТБАА АКЦИОНДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТЕВЛОК ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИОНДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: info@ozas.uz
Котибият — 233-49-93

Тапқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир **Саъдулла ҲАКИМ**

Ташрифтага келган кўлабмагар таъсил этилмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайдиган. Муаллифлар фикри таъширият нуктадан назаридан фарқлангани эҳтимоли.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОҢОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» паширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.48

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4184. Бурутма Г — 1148. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5